

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИНИ РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ ҚАЗИБ  
ЧИҚАРИШГА БЕВОСИТА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Қидириш ва разведка қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, углеводород хом ашёсининг қидириб топиладиган захира ҳажмларини кўпайтириш ва республика иқтисодиётининг нефть-газ тармоғига бевосита хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Устюрт ва республиканинг нефть ва газга бой бошқа истикболли минтақаларида қидирув ва разведка ишларини жадал олиб бориш, шу мақсадда бевосита хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этиш Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини ривожлантиришда ғоят муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

2. Шу нарса белгилансинки, Устюрт минтақасида янги очилган нефть ва газ конлари мазкур конларда геология-қидирув ишларини амалга оширган хорижий компанияларга концессия асосида 25 йилга қадар муддатга ишлатишга (ишлатиш муддатини узайтириш ҳуқуқи билан) берилиши мумкин.

3. Нефть ва газ конларини қидириш ҳамда разведка қилиш ишларини олиб бориш учун жалб этиладиган хорижий компанияларга қуйидагиларни таъминлайдиган энг кўп қулайлик режими яратиб берилсин:

муайян ҳудудда қидирув ва разведка ишларини ўтказиб, кейинчалик мазкур ҳудудда аниқланган конлардан исталган бирини қўшма корхона барпо этиш йўли билан ёки концессия асосида ишлатишга бўлган танҳо ҳуқуқни;

мазкур ишларни ўтказишга шартномада кўрсатилган ҳудудларда саноат қимматига эга бўлган ресурслар топилмаган ҳолларда қидирув ва разведка ишларини давом эттириш учун янги ҳудуд берилишига устун ҳуқуқни;

қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатларида ёки концессия шартномасида кўзда тутилган казиб олинган углеводородларнинг бир қисмини, шунингдек уларни толлинг асосида қайта ишлаш маҳсулотларини мулкка эгалик ҳуқуқи ҳамда монесиз олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

саноат қимматига эга бўлган конларни кейинчалик «Ўзбекнефтгаз» Акциядорлик жамиятига ишлатиш учун топшириладиган ҳолларда ана шу конларни очиш чоғида қидирув ва разведка ишларига амалда сарфланган харажатларни қоплаш кафолатини.

*(3-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги ПФ-5207-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5207/0139-сон)*

4. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагиларни тўлашдан озод қилинсин:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

геология-разведка ишларини ўтказиш даврида мақсадли давлат жамғармаларига барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни;

*(4-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПФ-4631-сонли Фармони таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 29-сон, 356-модда)*

қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган машина-ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириладиган ишлар учун олинadиган йиғимлардан ташқари).

5. Белгилансинки, нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини олиб бораётган хорижий компанияларга материаллар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент корхоналари ва ташкилотлари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этиладилар.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

хорижий компаниялар кўрсатилган ҳудудларда танҳо ҳуқуқ асосида олиб борадиган кидирув ва разведка ишларининг давом этиш умумий муддати 5 йилдан ошиши мумкин эмас;

геология-кидирув ишларини давом эттириш учун қизиқиш уйғотувчи майдонлар аниқланган ҳолларда хорижий компанияларга яна 3 йилгача муддат билан ана шу майдонлар доирасида ишларни давом эттириш имконияти берилади;

хорижий компаниялар ер қаъридан мўлжалланган аниқ мақсадга мувофиқ фойдаланишни, геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўқис бўлишини, ер қаъридан оқилона комплекс фойдаланиш ҳамда унинг муҳофаза этилишини таъминлайдилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар нефть ёки газ қазиб олинishiдан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғи тўлашдан озод қилинсин.

*(7-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сонли Фармони таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 25-сон, 282-модда)*

8. Вазирлар Маҳкамасига айрим ҳолларда қуйидагиларга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ конларини қидириш, разведка қилиш ҳамда қазиб чиқариш билан шуғулланувчи хорижий компанияларга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш;

танлов ва аукционларни ўтказмаган ҳолда вакил орган билан стратегик сармоядор ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш асосида концессиялар бериш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. «Ўзбекнефтьгаз» Акциядорлик жамияти зиммасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефть-газ фаолиятини (нефть ва газни қидириш, разведка қилиш, қазиб чиқаришни) тартибга солиш вакил орган ҳамда нефть-газ тармоғида концессия муносабатини давлат йўли билан бошқариш вазифалари юкланиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қуйидаги ҳуқуқ берилсин:

*(9-банднинг биринчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги ПФ-5207-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5207/0139-сон)*

нефть-газ фаолиятини юритишга шартномалар тузиш, уларнинг амалга оширилишини ҳамда қонунчилик ва шартномаларда белгиланган фаолият шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(9-банднинг учинчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПФ-3884-сонли Фармони билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2007 й., 23-сон, 233-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10. «Ўзбекнефтьгаз» Акциядорлик жамиятига нефть ва газ конлари тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан уларнинг қаерда жойлашгани, захиралари, қазиб чиқариш ҳажмлари, ишлатилаётган, капитал таъмирланаётган ва консервация қилинган қудуқларнинг сони ҳақидаги ахборотни махфийлик тўғрисидаги битимлар асосида халқаро консультантларга ва хорижий сармоядорларга топшириш ҳуқуқи берилсин.

*(10-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги ПФ-5207-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5207/0139-сон)*

11. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси 2000—2005 йилларга мўлжалланган геология-разведка ишлари дастурини кўриб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

12. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғини ривожлантириш истиқболлари оммавий ахборот, шу жумладан хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармон ижроси юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 28 апрель,  
ПФ-2598-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 4-сон, 123-модда;  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 233-модда; 2009 й., 8-сон,  
76-модда, 25-сон, 282-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий  
базаси, 18.10.2017 й., 06/17/5207/0139-сон)*